Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 22-aprel, seshanba № 50 (3399)

Кучли ижтимоий сиёсат — иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли кафолати.

Ислом КАРИМОВ

Раёсат йиғилиши

19 апрел куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

Кун тартибидаги биринчи масала — 2014 йилнинг 1-чораги давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Ислоҳотлар жараёнида муносиб қатнашиш

касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ташкил этади

Таъкидлаб ўтилганидек, Федерация Кенгашининг 2014 йил 24 январда ўтказилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда жорий йилда касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинган эди. Шу асосда ўтган уч ой мобайнида тизимли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Федерация Кенгаши томонидан 4 та қонун ва 7 та қонун ости ҳужжатлари лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли таклиф ва хулосалар берилди. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунлари лойиҳалари ва бир қатор меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидан.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури»га мувофиқ меҳнат муҳофазасига доир 3 та меъёрий ҳужжат лойиҳаси Федерация Кенгаши томонидан кўриб чиқилди ва келишилди.

Бундан ташқари, Федерация Кенгашининг Ўқув марказида 299 нафар касаба уюшма ходими ва фаолларининг малакаси оширилди. Мустақил малака ошириш тизими (масофавий ўқув) жорий этилиб, 24 февралдан 24 мартгача 338 нафар касаба уюшма ходимларининг мазкур тизим орқали малакаси оширилиши таъминланди.

Нодавлат секторидаги хўжалик субъектларини касаба уюшмаларига жалб этиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2 минг 653 та корхона ва ташкилотда касаба уюшма ташкилоти тузилиб, уларда меҳнат қилаётган 30 минг нафардан ортиқ ходимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Федерация Кенгаши томонидан Тошкент шаҳридаги 540 та бошланғич ташкилот фаолияти ўрганилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ишлари ташкил этилди. Ўрганиш якунлари бўйича ҳар бир туманда ўқув-семинарлар ўтказилди. Уларда 1 минг 715 нафар касаба уюшма фаоллари иштирок этди. Мазкур ўқув-семинарларда фаолияти ўрганилган касаба уюшма ташкилотлари фаолияти таҳлил этилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар берилди.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

Бугунги кунда республикамизда Бош келишув, мамлакат миқёсидаги 85 та тармоқ (тариф) келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича 14 та ҳудудий (минтақавий) келишув, бевосита корхона ва ташкилотларда эса 97 минг 583 та жамоа шартномаси амал қилмоқда. Айни дамда касаба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 96,3 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинишига эришилгани ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,5 фоизга ортганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

(Давоми 2-саҳифада).

«Касаба-тур — 2014»

Велоспорт мамлакатимизда тобора оммавийлашиб бораётган спорт турларидан бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қарори асосида бир неча йиллардан бери ҳаваскор велоспортчилар ўртасида мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

НАВБАТ — КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» дастури доирасида пойтахтимиздаги «Наврўз» мажмуасида корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилардан иборат ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» веломарафонининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Унда 300 нафардан зиёд ҳаваскор велоспортчи қатнашди.

Дастлаб 20-35 ёшли иштирокчилар, сўнгра 35 ёшдан юқори қатнашчилар ўз имкониятларини синаб кўришди.

Қизғин кечган пойгада эркаклар ўртасида М.Тўраев маррага биринчи бўлиб етиб келган бўлса, аёллар орасида А.Вишневская шоҳсупага кўтарилди.

Шунингдек, «Энг ёши улуғ пойгачи», «Энг маҳоратли пойгачи», «Ғалабага бўлган иштиёқи учун», «Энг ёш пойгачи» ва «Энг фаол аёл пойгачи» номинациялари ғолиблари аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев иштирок этди.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Жисмоний бардамлик иш унумдорлигига ижобий таъсир этади. Қушдек енгил бўлишнинг асосий шарти эса чиниқишдир. Ўтган йилда Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган веломарафон иштирокчилари сони 400 нафарни ташкил этган эди. Бу йил улар сони етти баробарга кўпайганлиги кузатилди.

ЎСИШ — ЕТТИ БАРАВАР

— Низом талаблари асосида корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган веломарафоннинг биринчи босқичида 849 нафар ҳаваскор қатнашди, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров. — Туман босқичлари кутилганидан ҳам зиёда ўтди. Мазкур баҳсларда 2000 дан ортиқ ҳаваскор велоспортчи саломатлик учун баҳслашди. Уч юз нафарга яқин иштирокчи вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шу куни касаба уюшмалари тасарруфидаги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасига ёндош майдон эрта тонгдан байрамона тус олди. Ана шу ердан «Касаба-тур — 2014» веломарафонининг вилоят босқичига старт берилди.

Буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек фалак билан сирлашган мўъжизавий гўша ҳудудидаги майдонда ғолиблар тантанавор кутиб олинди. Эътиборли жиҳати, бардамлик сари интилаётганлар орасида турли ёшдагиларни учратиш мумкин. Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш олийгоҳи ўқитувчиси Убайдулла Қосимовнинг ёши етмишдан ошган. Унинг велосипед билан ошно тутинганига олтмиш йилдан ошибди. Ишончли ҳамроҳ Убайдулла акага ажиб неъмат — саломатликни туфҳа этиб келаётир.

— Касаба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган бу марафонда иштирокчилар сони ошиб бормоқда, — дейди Убайдулла Қосимов. — Таг замирида инсон манфаати ётган фойдали тадбир нафақат меҳнаткашлар, балки кенг халқ оммасига манзур бўлаётир.

Низомга мувофиқ 20-35 ёшгача иштирокчилар орасида ғолибликни Рустам Аббосов эгаллаган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар Баҳодир Ҳусенов, Сардор Раҳимовга насиб этди. 35 ёшдан юқори ҳаваскорлар орасида Ўткир Қулиев, Одил Розиқов, Мирзоулуғбек Юсупов совриндор бўлди. Шунингдек, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти доценти Убайдулла Қосимов «Энг ёши улуғ пойгачи», Азамат Нуралиев «Энг маҳоратли пойгачи», Элбек Норбеков «Ғалабага бўлган иштиёқи учун», Темур Эсонов «Энг ёш пойгачи», Ситора Бобокалонова эса «Энг фаол аёл пойгачи» дея топилди.

Ғолиблар веломарафоннинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

ЎзКУФК томонидан амалга оширилаётган эзгу ишлардан бири — мамлакатимиз бўйлаб ҳаваскорлар орасида ўтказилаётган веломарафондир. Термиз шаҳрининг Шимолий дарвозаси ёнидан «Алпомиш» ўйингоҳигача бўлган трасса бўйлаб ҳаваскор велоспортчилар орасида вилоят босқичи бўлиб ўтди.

БУГУН ҲАВАСКОР, ЭРТАГА...

— Барча спорт турлари қатори велоспортнинг кенг оммалашаётгани жамиятимизда соғлом муҳитнинг қарор топиши ва табиатимиз мусаффолигига хизмат қилади, — деди мусобақанинг очилиш маросимида Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Қобилжон Боболов.

Мусобақада 400дан ортиқ ходим иштирок этди. Анъанага кўра баҳсларни болажонлар бошлаб беришди.

— Бунинг ўзига яраша маъноси бор, — деди Таълим,фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қизириқ туман кенгаши раиси Эгамберди Гелдиев. — Келгусида улардан жаҳонга машҳур велоспортчилар етишиб чиқишига умид қиламиз. Велосипед — кони фойда. У нафақат танни чиниқтиради, балки экологик тоза транспорт воситаси ҳамдир. Тушунтириш ишлари олиб борганимиз боис, бугунги кунда 2500дан ортиқ ходим ўзларининг велосипедларида ишга келиб кетишмоқда.

25 ёшдан 35 ёшгача бўлган аёллар ўртасида қизириқлик Турсуной Маматова, Термиз шаҳрилик Наргиза Ҳайитмуродова ҳамда Сайёра Муҳаммадиева рақибларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади.

25 ёшдан 35 ёшгача бўлган эркаклар баҳсида ҳам қизириқлик велоспортчиларнинг қўли баланд келди. Дилмурод Чориев, Умиджон Йўлдошев, Ўктамжон Рўзиевга совринли ўринлар насиб этди.

35 ёшдан катта бўлган эркаклар мусобақасида иштирок этган спортчиларнинг ёшларга ўрнак бўлгулик натижалари, саъй-ҳаракати олқишлар билан кутиб олинди. Бу ёш тоифасида термизликлар рақибларидан анчагина кучли ва маҳоратли эканликларини амалда исботлашди. Шоҳсупага Камол Мейлиев, Абдузоир Мамутов, Турғун Шомурадов кўтарилди. Аёллар баҳсида термизлик Гулчеҳра Шодиева ва Феруза Болтаева ғолиб бўлди.

Шерободлик Талхат Муродов «Энг ёши улуғ пойгачи», Умрзоқ Бойпўлатов «Энг маҳоратли пойгачи», Салоҳиддин Хушбоқов «Ғалабага бўлган иштиёқи учун», Ҳумоюн Ҳамидов «Энг ёш пойгачи» дея топилди.

Ғолиблар Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Фарғона давлат университетида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Тафаккур синовлари» республика танловининг саралаш босқичи бўлиб ўтди.

ТАФАККУР СИНОВЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ўсиб келаётган авлод фаоллигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Анъанавий ўтказиб келинаётган «Тафаккур синовлари» республика танлови талабаларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва муносиб рағбатлантиришга хизмат қилаётир.

Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиаллари, Қўқон давлат педагогика институти талабалари иштирок этган танловда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти қизиқарли саҳна кўринишлари орқали намойиш этилди. Иштирокчилар мамлакатимиз тарихи, бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ҳуқуқ ва таълим тизими, жамиятимиздаги барқарорлик ва миллатлараро тотувлик асосларига оид саволларга жавоб қайтарди.

Фарғона давлат университети талабалари жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлиб, танловнинг ҳудудий босқичига йўлланма олди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Озод юртнинг обод масканларида

Жорий йилнинг 19 апрел куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги касаба уюшмалари тизимига қарашли «Оқ тош» санаторийсининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Унда Республика касаба уюшмалари, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

«Оқ тош» санаторийси янги қиёфа касб этди

Сиҳатгоҳда амалга оширилган катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари дам олувчиларга яратилаётган шароитлар сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда

Тошкент шаҳридан чиқаҳ «Оқ тош» санаторийсига келгунга қадар теварак атрофдаги манзаранинг нечоғлик гўзаллигини, ҳавонинг ғоятда мусаффолигини, юртимиздаги ободликни ва бетакрорликни ҳис этасиз, беихтиёр. Гулга бурканган мевали дарахтлар, ям-яшил қирадиру тоғ ён бағирлари кишини мафтун этади. Санаторийнинг уч тарафини баланд қирлар қуршаб олган. Қирлар оша пурвиқор тоғлар бошланади. Маскан қиялик бўйлаб чўзилиб кетган бўлиб, тепаликка қараб кўтарилиб борасиз. Жисмоний ҳаракат эса ўз-ўзидан чуқур нафас олишга ундайди, мусаффо ҳаво кишига ором бахш этади.



Узун ва серсоя дарахтлар қучоғида савлат тўкиб турган, замонавий услубда қурилган иморатлар, фавворалар, хиёбон бўйлаб ўрнатилган ўриндиқлар, айниқса, санаторийни қоқ иккига бўлиб оқаётган дарё дам олувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқарашини таъминламоқда. Давлатимиз томонидан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар натижасида амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан сўнг янги қиёфа касб этган санаторийнинг тантанали очилиш маросимига ташриф буюрган меҳмонлар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди.

(Давоми 4-саҳифада).

Тиббиёт

Андижон шаҳар болалар шифохонасида устоз-шогирд анъаналарини такомиллаштириш, тиббиёт йўналишида таҳсил олаётган коллеж ўқувчиларининг амалиёт ўташи масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўқув юртидан амалиётга

Вилоят ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, дипломолди амалиётини самарали ўташи учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Семинар иштирокчилари шифохона бўлимларида амалиёт ўтаётган ўқувчиларга яратилган шароитлар, амалиёт ўташ жараёнлари, ўқув хоналари, ишни ташкил этиш бўйича маълумотлар акс этган кўргазмалар ва шифохонада «устоз-шогирд» анъанаси асосида олиб борилаётган илғор тажрибалар билан танишди.

— Амалиёт жараёнида ўз мутахассислигимиз бўйича кўникмаларни пухта ўрганмоқдамиз, — дейди Андижон тиббиёт коллежи битирувчиси Муштарийбону Жамолиддинова. — Хусусан, тажрибали ҳамширалардан муолажа алгоритмлари ва уларни бажариш техникаси, тиббий ҳужжатларни юритиш бўйича зарур билим ва малакага эга бўлдик.

Тадбирда даволаш-профилактика муассасаларида тиббиёт коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётини ташкил этиш, уларни ишга қабул қилиш тартиби, тиббиёт ҳамшираси этикаси сингари қатор мавзуларда маърузалар тинглади.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Хабарлар оқимидан

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Жиззах вилоят ҳудудий бўлинмаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати «Экотуризмни ривожлантириш имкониятлари» деб номланди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Анжуман иштирокчилари «Ёш авлод тарбиясида экотуризмнинг ўрни», «Зомин Миллий боғи ва экотуризм» каби қатор мавзуларда маърузалар тинглашди.

Самарқанд шаҳридаги «Янгиобод» маҳалласида «SOS болалар маҳаллалари» уюшмаси ёрдамида тикувчилик цехи ва гўзаллик салони фаолияти йўлга қўйилган эди.

МАҲАЛЛА ИБРАТИ

— Айни пайтда 12 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакиллари муқим иш ўрни билан таъминланди, — дейди маҳалла оқсоқоли Обид Ҳамдамов. — Корхона даромадининг 40 фоизи кам таъминланган оилаларга кўмак учун ажратилаётир. Тикувчилик, сартарошликни ўрганмоқчи бўлганларга бепул кўникма берилаётир.

Эътиборли жиҳати, салонда кам таъминланган оила вакилларига имтиёзли нархларда хизмат кўрсатилмоқда.

Ўз мухбирларимиз

Бугуннинг
НАФАСИ

Ishonch
2014-yil 22-aprel № 50 (3399)

Ислоҳотлар жараёнида муносиб қатнашиш

касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ташкил этади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ижтимоий шерикликни ривожлантириш юзасидан барча касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатилиб, Федерация Кенгаши эксперт комиссияси томонидан 6 та тармоқ ва 9 та ҳудудий келишув экспертиза қилинди. Жорий йил феврал ойида Учтомонлама комиссиянинг мажлиси ўтказилиб, унда Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун Бош келишувнинг якуний ижроси муҳокама қилинди. Унда иктисодиётни ривожлантириш, ижтимоий шерикликни кенгайтириш, ишлаб чиқарувчилар масъулияти, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоя, маданий-маърифий ва спорт ишлари, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳукумат, давлат идоралари, касаба уюшма ташкилотлари ва иш берувчилар вакиллари иштирок этган муҳокама якунида 2014-2016 йиллар учун имзоланган Бош келишувнинг жорий йил давомида ижросини таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидлаш зарурки, 2014 йил учун жамоа шартномасининг янги макети ишлаб чиқилиб, Федерация Кенгашининг Интернет тармоғидаги портали ҳамда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида чоп этилди. Шунингдек, давлат ташкилотлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, кичик корхона ва ташкилотлар учун алоҳида жамоа шартномалари макети тайёрланиб, Федерация Кенгашининг веб-порталига жойлаштирилди.

Жамоа шартномаларининг ўтган йилдаги ижроси муҳокамаларига бағишланган йиғилишларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Федерация Кенгаши раҳбарияти ва масъул ходимлари «Жиззах дон», «Бешариқтекстил», «Ўзбекхиммаш», «Сирдарё электр тармоқлари», «Электрохимзавод», «Муборакнефтгаз», «Хоразм бахмал», Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти каби корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаси бажарилиши якунларига бағишланган умумий йиғилиш (конференция)ларни тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирокида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори билан тасдиқланган янги иш ўринларини яратиш дастури ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига биноан янги иш ўринлари яратилиши устидан жамоатчилик мониторинги олиб борилди. Жумладан, касаба уюшмалари фаоллари томонидан 1 минг 132 та корхона ва ташкилотда 7 минг 944 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилгани ўрганиб чиқилди ҳамда тегишли ҳолатларда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, бандликка кўмаклашувчи марказлар билан биргаликда хўжалик органлари раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

Жойларда янги иш ўринлари яратилиши бўйича жамоатчилик назоратини янада кучайтириш мақсадида Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида касаба уюшмалари ходимлари учун семинарлар ўтказилди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Жорий йилнинг 1-чораги давомида амалдаги жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 1 минг 120 нафар фуқаро ва 5 минг 424 та оилага 498 млн. 770,6 минг сўмлик ижтимоий кўмак берилди. Жумладан, кам таъминланган оилалар вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун янги оила қурган ёшларга корхона ва ташкилотларда фоизсиз ссудалар бериш ишларига эътибор кучайтирилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 27 нафар талабага тўлов-шартнома пуллари қисман ёки тўлиқ тўлаб берилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 283 нафар фарзандлари учун 56 та корхона ва ташкилотда ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш мақсадида 8 млн. 80 минг сўм маблағ сарфланди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 467 нафар ёш онага 188 та корхона ва ташкилотда моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, нодавлат мулк шаклидаги 163 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 276 нафар болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда, ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш вақтини ўрнатиш учун корхоналар ҳисобидан 4 млн. 379 минг сўм сарфланди.

Федерацияга аъзо ташкилотлар қошида ташкил этилган ҳуқуқий маслаҳатхоналарда 1 минг 79 та оғзаки ва «Ишонч телефонлари» орқали 1 минг 424 та мурожаат қабул қилиниб, улар бўйича бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилиши таъминланди.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур қарор билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури»да белгиланган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловини ўтказиш ҳамда «Ёш мутахассислар» республика форумини ташкил этиш» бўйича танлов Низоми ва Концепцияси ишлаб чиқилди. Ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур танлов тўғрисидаги маълумот ва эълонлар республика оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш жойларида қўнимлилигини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013-2014 ўқув йили битирувчиларига касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида 25 минг нафар коллеж битирувчисига амалиёт ўташ даврида, 10 минг нафар коллеж битирувчисига ишга жойлашгандан сўнг энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва уларнинг учтомонлама шартномалар билан қамраб олинишида ҳам кўмаклашилмоқда. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг амалиёт ўташи учун аниқ ташкилотларга — иш берувчиларга бириктиришга доир манзилли тадбирларнинг бажарилишида касаба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланмоқда.

Касб-ҳунар коллежларидан узоқ масофада жойлашган қишлоқлардан ўқувчиларни олиб келиш учун автобуслар қатновини кўпайтириш ва уларга йўлкира тўловлари бўйича имтиёзлар бериш борасида касаба уюшмаларининг жамоатчилик мониторинги ўрнатилди. Жойларда ўқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида қўшимча равишда янги автобуслар қатнови йўлга қўйилди, ўқувчилар учун имтиёзли нархлар белгиланди.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламдаги ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва Давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтириш ва тарғиб этишни йўлга қўйиш мақсадида касаба уюшмалари ташкилотларида «Маънавият соатлари»ни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Ҳудудларда жойлашган ҳарбий гарнизонлар, олий ҳарбий ўқув юртларида маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий, ҳарбий ватанпарварлик мавзуларида давра суҳбати ва учрашувлар, спорт мусобақалари ва байрам тадбирлари ўтказилди. Касаба уюшмалари томонидан ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар фарзандлари, Иккинчи жаҳон уруши, Афғонистонда хизмат қилган фахрийларни қўллаб-қувватлаш учун қарийб 70 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган илғор ва фаол хотин-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 198,5 млн. сўмлик маблағ ажратилди. Ижтимоий ҳимояталаб, боқувчисини йўқотган, ногирон, «Саховат» уйларида яшаётган аёллар ҳолидан хабар олиниб, уларга 215,8 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» акцияси ташкил этилиб, 29 минг нафардан ортиқ эҳтиёжманд, ёлғиз оилалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари рағбатлантирилди ва ушбу мақсад учун 910,2 млн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, «Меҳрибонлик», «Мурувват» ва «Саховат» уйларига 37,7 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

«Миллий қадриятларимиз — беқиёс бойлигимиз» шиори остида болалар ўртасида миллий ўйин турлари бўйича мусобақалар, «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида спорт тадбирлари ташкил этилиб, уларга 20,5 минг нафардан ортиқ иштирокчи жалб этилди. Наврўз байрами арафасида касаба уюшма ташкилотлари томонидан «Кўчат экиб, боғ яратайлик» акцияси доирасида 1,5 млн. тупдан ортиқ гул ҳамда 2,8 млн. тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан 2 минг 480 нафар эҳтиёжманд оилалар вакиллари учун тарихий шаҳарлар ҳамда мустақиллик йилларида барпо этилган жойларга саёҳатлар ташкил этилди. Бундан ташқари, Федерация Кенгаши тасарруфидаги 15 та санаторийда 17 минг 860 нафар фуқаро имтиёзли соғломлаштирилди.

Жорий йилги ёз мавсумида болаларнинг оромгоҳларда дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этишга тайёргарлик кўриш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш ҳам Федерация Кенгашининг диққат марказида бўлди. Шу мақсадда Ф.Эберт жамғармасининг минтақавий директори П.Тешендорф, таълим бўйича Глобал Ҳамкорлик Котибияти миссияси, Халқаро банк вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Учрашувларда уларга республикамизда меҳнат муносабатлари ва ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг вакиллари Туркияда ўтказилган соғломлаштириш ва тиббий туризмга бағишланган семинарда, шунингдек, Сочи шаҳрида ўтказилган темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмалари Халқаро Конфедерациясининг мажлисида иштирок этдилар. Шунингдек, касаба уюшмалари ходимлари Москва шаҳридаги Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академиясида ўз малакаларини ошириш имконига эга бўлдилар.

Ҳозирда «Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси ва меҳнат соҳасида халқаро стандартлар» мавзуидаги халқаро конференцияга қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР

Касаба уюшмалари тизимида жамоатчилик билан алоқаларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, касаба уюшмалари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш ҳамда кенг жамоатчиликни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ходимларга яратилаётган имтиёз ва қулайликлардан хабардор этиб бориш мақсадида касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари оммавий ахборот воситаларида изчиллик билан ёритиб борилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, босма нашрлар, Ахборот агентликлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Ташқи ишлар вазирлигининг «Жаҳон» ахборот агентлиги билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, республика касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналишлари ва улар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотлар халқаро интернет нашрларида чоп этиб борилмоқда.

Федерация Кенгашининг Интернет тармоғидаги расмий Порталида «Бепул ҳуқуқий маслаҳат», «Касаба уюшмалари акциялари», «Касаба уюшмасига қандай аъзо бўлинади?», «Касаба уюшмаси ташкилоти қандай тузилади?», «Касаба уюшмаси фаолига ёрдам», «Касаба уюшмаси ёрдам берди» блоклари фаолияти йўлга қўйилди. «Жамоа шартномалари макетлари», «Санатор соғломлаштириш», «Болаларни соғломлаштириш», «Касаба уюшмаси меҳмонхоналари», «Касаба-сайр» интерактив хизматлари жорий этилди. Порталга нафақат республикамиз, балки кўплаб хорижий давлатлардан кирувчи бир-бирини такрорламайдиган манзилдан бўлган ўқувчилар 6 минг нафардан ортди ва улар Федерация Кенгаши Портали билан қарийб 16 минг марта танишди. Шунингдек, Порталга кундалик кирувчилар сони 126 нафарга етди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда амалга оширилаётган ишларни тизимли ёритишга муносиб ҳисса қўшаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» республика танлови эълон қилинди.

Раёсат йиғилишида, шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги ташкилотлар томонидан ўтган давр мобайнида аҳолига 2,5 млрд. сўмлик сервис ва пуллик хизматлар кўрсатилишига эришилгани таъкидланди.

Ўтган давр мобайнида касаба уюшмалари тизимидаги «Хонжиза», «Мирзо Улуғбек», «Чорчинор», «Норин», «Ишонч» болалар оромгоҳларида қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари учун 762 млн. 742 минг сўм миқдоридаги маблағ йўналтирилди. Федерация Кенгаши тасарруфидаги «Ҳавотоғ», «Чортоқ», «Ботаника», «Хонқа», «Чимён», «Абу Али Ибн Сино» санаторийларида, шунингдек, «Саёҳат-сари» унитар корхонасида 1 млрд. 710 млн. сўмлик мукаммал таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида 30 ўринли янги меҳмонхона қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди.

* * *

Раёсат йиғилиши кун тартибидан «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида касаба уюшмалари Федерацияси ва унга аъзо ташкилотлар томонидан 1-чорак давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги масала алоҳида ўрин олди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳар томонлама етук, мустақил фикрлайдиган, ривожланган интеллектуал қобилиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга баркамол авлодни тарбиялаш, бу борадаги ишларга давлат ва жамоат ташкилотлари имкониятларини уйғун ҳолда йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг бажарилишида касаба уюшмаларининг иштирокини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йиллар учун Бош келишув, тармоқ, ҳудудий келишувлар ва жамоа шартномаларига Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги 138-сонли ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида»ги 182-сонли ҳамда «Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 103-сонли Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш бўйича бандлар киритилди.

Соғлом боланинг дунёга келишида оиладаги ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар муҳитини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис касаба уюшмалари томонидан ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун моддий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болалик ҳимоясини таъминлаш, она ва боланинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг рўзғор ташвишларини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилаётир. Хусусан, жамоа шартномалари асосида ёш оилалар, аёлларга қатор имтиёзлар қўлланилмоқда. Касаба уюшмаларига қарашли соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 1 млрд. 710 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Меҳнаткашлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида касаба уюшмалари соврини учун ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба тур» веломарафонининг қуйи босқичлари корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилиб, ушбу спорт мусобақасида 42 587 дан ортиқ ҳаваскор велоспортчилар иштирок этди.

Мамлакатимизнинг Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларига 2 316 нафар кам таъминланган оила вакиллари учун саёҳатлар ташкил этилди ва ушбу мақсадларга 21,3 млн. сўм йўналтирилди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, дастур тадбирлари ижроси учун 1-чорак якуни бўйича 2 млрд. 339 млн. сўм маблағ сарф этилди.

* * *

Йиғилишда масъулиятли палла — жорий йилги болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш масалалари ҳам қизғин муҳокама этилди.

Эътироф этилганидек, жорий йилги мавсумда 1000 та оромгоҳ фаолиятини ташкил этиш ва уларда 282 минг нафарга яқин болани дам олдириш режалаштирилди. Шундан 4,5 минг нафар Оролбўйи болалари, 2 минг нафар «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, Сариосиё ва Узун туманида истиқомат қилаётган 100 нафар ўғил-қиз, 600 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ҳам бепул дам олдирилади.

Мавсум олдидан Федерация Кенгаши масъул ходимлари томонидан болалар оромгоҳларининг мавсумга тайёрлиги ҳолатини мунтазам равишда босқичма-босқич ўрганиш ишлари ташкил этилиб, мавсумга пухта тайёргарлик кўришни таъминлаш юзасидан барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

«Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2014 йилга мўлжалланган Манзилли дастур»га асосан, жорий йилда республика бўйича 3 та янги оромгоҳ қуриш, мавжуд 16 та оромгоҳни реконструкция қилиш ва 24 та оромгоҳни капитал таъмирлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилаяпти.

Йиғилишда, шунингдек, касаба уюшмаларининг стипендиясини таъсис этиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра, «Касаба уюшмаларининг стипендияси ва уни тайинлаш бўйича Низом» қабул қилинди. Бундан ташқари, республикада нишонланадиган касб байрамларини кенг миқёсда ўтказишда касаба уюшмаларининг иштирокини таъминлаш масаласи ҳам раёсат аъзолари диққат марказида бўлди.

Раёсат йиғилишида «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ишчи гуруҳи томонидан Тошкент шаҳридаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш якунлари ҳақида»ги, «Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотларининг аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш борасидаги фаолияти тўғрисида»ги, ҳамда «Хоразм вилоятидаги касаба уюшма ташкилотларида меҳнаткашлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи, маданий-маърифий ва спорт йўналишида олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги масалалар ҳам кенг муҳокама этилди. Ушбу масалалар юзасидан Тошкент шаҳри, Хоразм ва Тошкент вилоятларида муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Шу билан бирга, аъзо ташкилотларга мазкур йўналишлардаги ишларга эътиборни янада кучайтириш борасида аниқ тавсиялар берилди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

«Иликузилди»га даво бор

Арзон ва қувват берувчи бебаҳо дори

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Шониёз Қурбонов билан суҳбат

— Витаминлар етишмаслиги нима сабабдан рўй беради?

— Витаминлар инсон саломатлигини мустаҳкамлашда ўта муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг бирортаси етишмаса, танада турли хасталиклар пайдо бўлади. Масалан, витамин С танқислигида тоғай ва суяк тўқималари тузилмаси бузилади, қон томирлар деворининг ўзгарувчанлиги ортади, зангила (цинга) касаллиги рўй беради.

В гуруҳдаги витаминлар етишмаганида эса киши камқонликка учрайди, иш қобилияти пасаяди, иштаҳаси йўқолади. Витамин А кам бўлган ҳолларда тери қуруқшаб, соч тўкилади. Тананинг витамин Е га бўлган талаби қондирилмаса, жинсий безлар ва мушак фаолияти сусая боради. Витамин К озайганида турли аъзолардан қон оқиши ҳоллари рўй беради, хусусан, бурун ва милк тез-тез қонайдиган бўлиб қолади.

Демак, танамизда барча витаминлар мутаносиб бўлгандагина соғлом ва тетик юрамиз, касалликлар бизни четлаб ўтади.

Баъзан ҳазм фаолиятидаги нуқсонлар туфайли истеъмол қилинадиган овқатларнинг ичакларда ўзлаштирилиши бузилади. Айрим ҳолларда ичаклар томонидан организмда витаминлар синтез қилиниши сусаяди.

Доим бир хил егуликлар (айниқса, рафинирланган, қуритилган ва консерваланган маҳсулотлар)ни истеъмол қилиш, кундалик овқатланишда янги мева ва кўкатлар бўлмаслиги, маҳсулотларни нотўғри сақлаш, овқат пиширганда сабзавотлардаги зарур витаминларнинг парчаланиб кетиши, аҳлий ва жисмоний толиқиш сингарилар ҳам витамин танқислигини келтириб чиқаради.

Шунингдек, меъда-ичак касалликлари (гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси)да, ҳатто гижжа касалликларида ҳам организмда витаминлар сўрилиши бузилади. Бундан ташқари, аёлларда ҳомиладорлик ва бола эмизиш даврида ҳамда киши айрим антибиотиклар — сулфаниламид препаратларни узоқ вақт ичиб юрганда витамин етишмовчилиги келиб чиқади.

— Баҳор фаслида организмни витаминлар билан тўйинтириш учун нималар қилмоқ керак?

— Маълумки, витаминлар билан тўйинган тана бақувват бўлиб, касалликка камроқ чалинади. Қишда, кўклам чоғларида бундай витаминларга эҳтиёжимиз кучаяди. Гўштли ва сут-қатиқли овқатлар витаминга бой кўкатлар ўрнини боса олмайди. Шундай экан, танамиздаги дармондориларга бўлган танқисликни қандай бартараф этиш мумкин?

Баҳорда наъматак қоқиси қайнатиб ичиб юрилса, организмда аскорбат кислота танқислиги рўй бермайди. Ошкўкларни кўп харид қилманг, чунки улар бир кундан кўп сақланса, таркибидаги витамин С нинг 40-60 фоизи йўқолади. Картошка ва сабзавотлар совуқ сувга солиб пиширилса, таркибидаги витаминларнинг 30 фоизи нобуд бўлади. Агар қайнаб турган сувга солсангиз, витаминлари тўла сақланади.

Баргли ўсимликлар (исмалоқ, салатқоҳу, шовул)ни қайнатиб ё қовурсангиз идиш қопқоғини албатта ёпинг. Акс ҳолда, таркибидаги 70 фоиз витамин йўқолиб кетади. Сабзавот маҳсулотларини зангламайдиган металл ёки чўян қозонларда пиширсангиз таркибидаги витаминлар парчаланмайди.

Ялпиз, исмалоқ, жаг-жаг, отқулоқ, беда (йўнғичқа) витаминларга жуда бой бўлиб, кўкламда одам қувватини ошириб, тетиклаштиради. Кўкатлардан кўк сомса (бир қаватли, қатламали), кўкатли балиш (пирог), чучвара, манти, хоним тайёрланади. Кўкатлар турли касалликларда тавсия этилади. Қандли диабети бор, семириб кетган ва заиф кишиларга кўкатларни сарёғда қовуриб бериш мақсадга мувофиқ.

Умуман, баҳорий кўкатларни қўшиб, улардан турли таомлар тайёрлаб истеъмол қилинса, организм фаолияти яхшиланади, моддалар алмашинуви меъёрга келади, вужудга куч-қувват оқиб киради.

— Донлардан ундирилган майсаларнинг фойдаси ҳақида кўп гапирилади. Шу ҳақда тўхталсангиз.

— Турли донларни ундириб (*бу спраутс дейилади*) майсасини кўкламда истеъмол қилиш лозим. Чунки унган майсаларда зарур витаминлар миқдори донга нисбатан 25-40 мартагача кўп бўлади.

Спраутслар буғдой, арпа, сули, жавдар, мош, соя, ошковоқ, шолғом, редиска, йўнғичқа (беда), қунгабоқар уруғларидан тайёрланади. Бу уруғлар кимёвий моддалар таъсиридан холи бўлиши муҳим. Улар қисқа вақтда бир текис униб чиқади ва маъзали таъм беради. Ажратиб олинган уруғлардан бирортаси дастлаб бир-икки марта ювилиб қуритилади, кейин идишларга солинади. Спраутсларни ўстиришда шиша идишлардан фойдаланса бўлади. Танланган уруғлар майда бўлса (масалан, йўнғичқа ва шолғом уруғлари), идишнинг тубини қоплагани кифоя. Йирик уруғлар (нўхат ва бошқа дуккакли донлар) эса идишнинг тўртдан бир қисмигача солинади. Кейин ярмигача сув қуйиб, бир неча соат давомида уруғларнинг яхшигина ивиши кутилади. Шундан кейин қолган сувни тўкиб, ҳаво кириб туриши учун илматешикли пластик қопқоқ билан ёпилади (бунинг учун резина қопқоқни михча билан айланасига қатор қилиб тешиш лозим). Идишни стол устига ёнбошига ётқизилиб, уруғлар унинг деворларига бир текисда ёпишиб туриши учун уёқ-буёққа айлантирилади ва шкафга ёки дераза олдига қўйилади.

Агар ишлатилаётган уруғ дуккаклилардан бўлса, унга ёруғлик тушмагани маъқул, акс ҳолда, ўстирилган майса ачқимтил бўлиб қолади, шунинг учун ҳам мош, нўхат, ловия ёки соя солинган идишлар қоронғу жойда сақлангани мақсадга мувофиқ. Униб чиқаётган уруғ уч марта тоза сув билан ювиб ташланади.

— Демак, спраутслар энг арзон ва бебаҳо «дори» экан-да?

— Ҳа, шундай. Лекин уларни тайёрлашда тегишли қоидаларга риоя қилинмаса (яъни уруғнинг сифатсизлиги, кам ювилиши ва сувнинг жуда иссиқ бўлиши ҳамда идишдаги ҳаво алмашинувининг бузилиши туфайли) уруғ кўпинча чириб қолади. Иссиқ уйларда уруғларнинг чиримаслиги учун тоза сув билан тез-тез ювиб туриш, хонада шамоллатгичлардан фойдаланиш лозим. Спраутсларни алоҳида-алоҳида идишларда тайёрлаган маъқул, чунки уларнинг мазаси турлича бўлиб, ҳар бирининг таркибида юқорида қайд қилинган фойдали моддалар турлича миқдорда бўлади. Уларнинг ўзини истеъмол қилиш билан бирга, яна салатларга ва овқатга қўшиб ейилса, тана биофаол моддалар билан янада яхши таъминланади.

Тайёр спраутслар (унган майсалар) шиша идишларга солиб, совутгичга қўйилади ва ўн кунгача сақланади. Барча оила аъзолари ундан эҳтиёжга яраша фойдаланавериши мумкин. Спраутсларга бироз шакар сепилса ёки сметана, қаймоқ, қатиқ, майонез аралаштирилса, ёш болалар жуда хуш кўриб ейдиган таомга айланади. Агар спраутслар алоҳида истеъмол қилинса, овқатланишдан 15-20 дақиқа олдинги вақт қулай. Хуллас, баҳорий кўкатлар билан биргаликда спраутслар тайёрлаб истеъмол қилсангиз, авитаминоз касаллиги сизни безовта қилмайди.

Г. ЖАМИЛОВА
суҳбатлашди

Таҳлил

Пойтахтимиз ҳусни кўзни қувнатади. Кенг ва равон кўчалар бўйлаб гўё қўлдаги оққуш мисол ҳаракатланаётган замонавий транспорт воситаларини айтмайсизми!

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш сифати яхшиланганлиги кўзга ташланмоқда.

Холислик, холислик ва яна...

ёки жамоат транспортидаги айрим муаммолар хусусида

Айни пайтда «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси таркибида 38 та корхона мавжуд бўлиб, улардан 14 таси давлат корхонаси, 1 таси очиқ акциядорлик ҳамда 13 та масъулияти чекланган жамиятлардир. Улар томонидан пойтахтимиз аҳолисига 141 та автобус, 4 та шаҳар атрофи, 5 та йўналишли такси, 6 та трамвай ҳамда 3 та метрополитен йўналишларида транспорт хизмати кўрсатилмоқда.

Ушбу ишларни амалга оширишда Президентимизнинг 2013 йил 9 октябрдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2014-2015 йиллар даврида Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштиришга доир комплекс дастури муҳим ўрин тутяпти.

Саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, бир кунда 1,2 миллион ҳамшаҳарларимизнинг узоғи яқин бўлмоқда. Айни вақтга келиб йўловчи ташиш хавфсизлиги ва сифатини ошириш, қулай ва шинам автобуслардан оқилона фойдаланиш мақсадида кўплаб тадбирлар амалга ошириляпти. Йўналишлар тармоғини мувофиқлаштириш, йўловчи ташишни бошқаришга замонавий ахборот телекоммуникация технологияларини жорий этиш шулар жумласидан.

Эътирозлар ҳам йўқ эмас

Баъзан ҳамшаҳарларимиз томонидан жамоат транспорти фаолияти юзасидан баъзи эътирозлар қулоққа чалинади. Шулардан бири кечки соат 21:00 дан сўнг айрим йўналишларда автобуслар сони кескин камайиб кетиши ҳақидадир.

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компаниясидан олинган маълумотга кўра, ҳар куни эрталаб 1132 та автобус турли йўналишлар бўйича ўз қатновини бошлайди. Соат 21:00 га келиб уларнинг 440 таси ўз хизматини давом эттириши зарур. Айнан ушбу автобуслар қатновини тартибга солиш, яъни ҳаракат жадвали ва интервалига ҳайдовчилар қатъий риоя этишини таъминлаш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, яъни (GPS)лар ёрдамида транспорт воситалари ҳаракати назорат қилиниб, мониторинг олиб бориляпти. Шу кунда жпс-мониторинг тизимини жорий этиш бўйича техник топшириқнинг биринчи босқичи ишлаб чиқилди. Шунингдек, автоматлаштирилган диспетчерлик назоратини шаҳар йўловчи ташиш транспортида жорий этиш бўйича россиялик, туркиялик ҳамкасбларнинг тажрибалари ўрганиб чиқилди. Мазкур ишлаш усуллари амалга жорий этилса, юқоридаги дилхираликлар, албатта, барҳам топади.

Қарс икки қўлдан

Гоҳида чиптачи ҳамда ҳайдовчиларнинг йўловчиларга қилаётган қўполлигидан кўнгил хижил тортади.

Яқинда бир воқеага гувоҳ бўлдим. Чиптачи ўрта ёшли киши билан тортишиб турарди. Йўловчининг ойлик йўл чиптаси имтиёзли, лекин пенсионерлик гувоҳномаси йўқ экан.

Чиптачи тутақди:

— Йўл чиптасидан фойдаланиш учун махсус гувоҳнома бўлиши керак. Бунақада биз қандай қилиб кунлик режани топширамиз. Боз устига, айримлар «қўлбола» гувоҳномаларни дастак қилишади. Инсоф қаерда қолди?

Яна бир кўнгилни хижил қиладиган ҳолат (Бу ҳақда «Ishonch» газетасида мақолалар эълон қилинганди). Айримлар гўёки исмларини бир умрга муҳрлаб қўймоқчи бўлгандек, автобус ўриндиқларига ёзиб ташлашади. Бу ҳам майли-я, баъзи ўриндиқлар қопламасининг йиртилиб ётишига нима дейсиз?

— Ҳар куни иш вақтим тугагач, уйга асабийлашган ҳолда бораман, — дейди ўрта ёшлардаги чиптачи аёл. — Айрим ёшлар қулоқларига наушник тақиб олиб, гўё автобусда бошқа одам йўқдек ўзини тутишади. Уларга гапиравериб чарчаб кетаман. Вақтида чипта олмайдиган, олишни хаёлига келтирмайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Кўпинча йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти паст, дея жар соламиз. Аммо йўловчи маданияти ҳақида ким бош қотиради?

Сўнгги сўз

Юқоридагилардан маълум бўладики, транспорт воситаларининг бир меъёрда ишлаши нафақат ҳайдовчиларга, балки йўловчиларга ҳам боғлиқ. Инсоф юзасидан айтганда, бурч ва мажбуриятларимиз нимадан иборат эканлигини қанчалик тез тушуниб етсак, ишончимиз комилки, барча камчиликлар шунчалик тез бартараф этилади.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Эътироф

Икки ойдирки, Зангиота туманидаги «Бунёдкор» маҳалла аҳолиси баҳорий кўтаринкилик кайфияти оғушида яшамоқда.

Аҳиллик шарофати

Ушбу маҳалла ташкил қилинганига у қадар кўп бўлмаган бўлсада, қўлга киритилган ютуқлар талайгина.

— Биз ёшларимизнинг бандлигига доимий эътибор қаратамиз. Маҳалламизда фаолият юритаётган 15 нафар ҳунармандлар бир қанчадан шогирдга устоз. Бўш вақти бор қизлар тикувчига, йигитлар ҳунармандга эш бўлиб иш ўрганади. Ҳам маҳалла обод, ҳам аҳоли иш билан банд, — дейди маҳалла оқсоқоли Аҳмаджон Афзалов.

Маҳаллада «Турон» кураш клуби мавжудлигини эшитиб, росмана ҳавас қилдик. Қолаверса, бу ерда «Бадиий гимнастика» тўгараги, футбол бўйича клуб ҳам ташкил қилингани маҳалла аҳлининг ёшларига, демакки, ўзларининг келажагига эътиборли эканидан дарак берарди.

— Маҳалламизда сенинг ишинг, менинг ишим деган нарса йўқ. Бир ёқадан бош чиқариб, муаммоларни ҳал қилишга киришамиз. Ҳашарларда ёшлар фаол қатнашади, — дейди «Ота-оналар университети»нинг раиси Тўлаган Соатов.

Муҳаммад Содиқ САЙФУЛЛАЕВ,
журналист

Огоҳлик

Сўнгги вақтларда интернет ахборот тармоғи таъсирининг ортиши ва аъзолари доирасининг кенгайиши ундан фойдаланишнинг ижтимоий, ахлоқий, психологик жиҳатлари билан боғлиқ турли муаммо ва саволларни келтириб чиқармоқда.

Бир яхшининг бир ёмони

Интернет глобал тармоқ сифатида ўз фойдаланувчиларига қатор имкониятларни тақдим қилади. Хусусан, интернетдан фойдаланиш орқали аноним тарзда турли шаклдаги ахборот ва ғояларни (сиёсий, илмий, маданий, диний ва бошқа) тарқатиш мумкин. Шунингдек, сизни қизиқтирган ҳар қандай маълумотни тез ва осон қўлга киритасиз.

Интернетдан фойдаланиш жараёни, алоҳида феномен сифатида мулоқотларда, интернет-чатда, интернет-форумлар ва интернет-конференцияларда намоён бўлади. Кўпгина интернет-чат, интернет-форумлар ва интернет-конференциялар муайян мавзу доирасида ўз йўналишига (сиёсий, маданий, диний, спорт ва бошқалар) эга.

Бундан ташқари, интернетдан фойдаланиш жараёнида ўз интернет-лақаби орқали эркак киши аёл, ўсмир ёшдагилар эса катта ёшли шахс ва шу каби ўзи истаган ниқобга яширинган ҳолда мулоқотга киришиши мумкин. Мазкур ҳолатнинг вужудга келишига интернет тармоғида мулоқот қилаётган шахсга оид ҳақиқий маълумотларни аниқлашнинг имконияти йўқлиги сабаб бўлади.

Шунингдек, интернет фойдаланувчиларининг интернет-форум ва интернет-чатларда турли йўналиш ва мавзуларда (масалан, ижтимоий ёки беҳаёлик) мулоқотга киришиши виртуал равишда амалга оширилади ва объектив шарт-шароитлардан воз кечилади.

Ушбу ҳолатга турлича ёндашиш мумкин, яъни биринчидан, айрим инсонларда мавжуд ҳолатдан қатъи назар аноним равишда ўз фикрларини кенг изҳор этиш имконияти туғилади. Иккинчидан, инсон ўзи яшаётган реал борлиқдан чекиниб, виртуал оламга кириб кетади. Психологларнинг аниқлашича, интернет-чат, форум ва бошқаларда мулоқот ўрнатиш эҳтиёжи асосан одатий шароитда мулоқот ўрнатиш имконияти йўқ одамларда кўпроқ учрайди. Шунингдек, интернетда аноним равишда ёзишмалар амалга ошириш қатор маънавий муаммоларни келтириб чиқаради, яъни ёзишмада ҳар қандай мазмундаги (ҳақоратомуз) сўзларни ишлатишса-да, бирор-бир жавобгарликни келтириб чиқармайди. Бу эса инсоннинг реал ҳаётда яшамаётганлиги ва реал инсонлар билан мулоқотга киришмаётганлигидан далолат беради.

Мазкур муаммо билан интернетга қарамлик феномени ўзаро боғлиқдир. Виртуал оламдаги мулоқот, кўнгилочар ўйинлар инсонни тўлалигича эгаллаб олиб, унга реал ҳаётда бошқа фаолият тури билан шуғулланиш учун етарлича вақт ва куч қолдирмайди. Шунга кўра, бугунги кунда интенсив равишда «интернетга қарамлик» ёки «интернет аддикция» феномени кенг муҳокама қилинмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрича, интернетга қарамлик, одатий қарамлик каби (чекиш, наркомания ва бошқалар) тўғридан-тўғри инсоннинг жисмоний аъзоларига эмас, балки унинг онгига кучли таъсир қилади.

Интернет-аддикция кашандалик, гиёҳвандлик, алкоголга ружу қўйишни юзага келтирувчи анъанавий қарамлик турларидан тубдан фарқланиб, улар учун узоқ йил талаб қилинса, мазкур турдаги қарамлик учун муддат кескин қисқаради. К.Янг фикрича, интернетга қарамлик 25 фоиз ҳолатда глобал тармоқдан 6 ой давомида фойдаланганда, 58 фоиз ҳолатда бир йил давомида ва 17 фоизда эса йиллар давомида фойдаланганда юзага келади. Бундан ташқари, анъанавий қарамликлар тиббиётда етарли даражада ўрганилган бўлиб, маълум маънода уларнинг давоси ҳам топилган. Аммо олимлар томонидан интернет-аддикция ҳанузгача чуқур ўрганилмаган ва ўз ечимини топмаган.

Интернетга қарам бўлганларда ўз-ўзига баҳо бериш турличалиги аниқланган бўлиб, уларнинг 80 фоизга яқини ушбу соҳада муайян муаммоларга дуч келади. Шундан 20 фоизи ўзига паст баҳо беради, деярли 40 фоизи ўзи ва ўзи яшаб турган жой ҳамда ҳаёти тўғрисида нореал тасаввурларга эга бўлади. Яна 20 фоизи ўзини қарам эмас деб ҳисоблаб, жамиятдаги бошқа одамлар билан реал мулоқотда бўлиб юргандек ҳис қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, интернетга қарам бўлган шахслар глобал тармоқ орқали амалга ошириладиган салбий ташвиқотлар таъсирига нисбатан тез ва осон тушади, дейиш мумкин. Шу сабабли, ёшларни интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, глобал тармоқ имкониятларидан фақат мақсадли фойдаланишга кўмаклашиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

А.ҚИЛИЧОВ,
тадқиқотчи

Реклама ва эълонлар

«Tashkent realtor service» МЧЖ барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25-майдаги 147-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил Департаментининг 2012 йил 18 февралдаги 05/121-13-сонли баённомаси, Қибрай тумани ҳокимининг 2013 йил 10 сентябрдаги 2693-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:

Қибрай тумани, «Май» ҚФЙ, «Бирлик» маҳалласида жойлашган ҳар бири 300 кв.м. дан иборат 6 та ер участкалари (сартарошхона, дорихона, озиқ-овқат дўкони, қурилиш моллари дўкони, гул дўкони, аудио-телевизор таъмирлаш устахонаси). Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 146 690 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Қибрай тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 21 май куни соат 18-00 да тўхтатилади. Буюртманомалар танлов ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома беришдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги маблағни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қибрай тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 22 май куни соат 11:00 да очилади, ўша куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 22-майдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йилнинг 7 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 6 июн куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов савдоси қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Қибрай туман ҳокимияти биносида 2014 йил 7 июн куни соат 11:00 да очилади, ўша куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танлов савдосида иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхаси.
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: «Tashkent Realtor Service» МЧЖ х/р: 20208000804876496001 «Ипак йўли банк» ОАИТБ Тошкент шаҳар, Миробод филиали, МФО :01101, ИНН: 301743808.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш ва мурожаат қилиш учун телефон рақамлари: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси 10-уй, Биржа Маркази биноси 16-хона. Тел. (8371) 147-40-00, факс: (8371) 233-06-39, электрон почта: info@realtorg.uz , Лицензия RR-0008.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 157-сонли ўрта мактабни 2003-2004 ўқув йилида тугатган Адилова Дилором Кучкарджановна номига берилган VN№0977900 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Озод юртнинг
ОБОД МАСКАНЛАРИДА

Ishonch
2014-yil 22-aprel № 50 (3399)

«Оқ тош» санаторийси янги қиёфа касб этди

Сиҳатгоҳда амалга оширилган катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари дам олувчиларга яратилаётган шароитлар сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — деди тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — «Оқ тош» санаторийсида амалга оширилган катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари Давлатимиз томонидан меҳнат аҳли ҳамда уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликларнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Ушбу масканда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорига мувофиқ меҳнаткашларни соғломлаштириш учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида 18 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиб, жаҳон стандартлари даражасидаги барча қулайликларга эга бўлган 120 ўринли, бирваракайига қирқдан ортиқ оиланинг мазмунли ҳордиғини таъминловчи 4 та коттеж биноси барпо этилди. Шунингдек, мавжуд 2 та коттеж ва 2-ётоқ бинолари капитал таъмирланиб, замонавий русумдаги барча зарур жиҳозлар билан таъминланди. 5- ва 6- коттеж бинолари ҳамда 3-корпусда ташқи пардозлаш-таъмир ишлари ниҳоясига етказилиб, улар атрофидаги соя-салқин жойларга суҳбатлашув айвончалари, дам олувчиларга ором бахш этувчи тебранувчи ўриндиқлар ўрнатилди.

Сиҳатгоҳда дам олувчиларнинг муолажалари самарадорлигини янада оширишни кўзлаган ҳолда санаторий ҳудудида мусиқий фаввора ва бассейн барпо этилиб, ҳудуд ландшафтига янада кўрк берувчи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Дам олувчилар бўш вақтининг сермазмун ўтиши учун ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ва давра суҳбатлари юқори савияда ўтказиш, бу орқали уларга Республикамизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини самарали етказиш мақсадида 200 ўринли «Маданият саройи» қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Соғлом бола йилида оналар ва болалар учун қулайликларни янада кўпайтириш мақсадида санаторийда болалар майдончаси, ўйин хонаси ва спорт мажмуаси ишга туширилди. Натижада, санаторийда табиий шифобахш омиллар самарасини янада ошириш имкониятлари кенгайтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, санаторий ошхонасида қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 100 ўринли кўшимча овқатланиш зали барпо этилди. Сервис хизмати сифатини ошириш мақсадида ошхона энг сўнгги русумдаги маиший-техника жиҳозлари билан таъминланди. Озиқ-овқат маҳсулотларини талаб даражасида сақловчи омборхона барпо этилди.

Кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари натижасида сиҳатгоҳда қўшимча равишда 120 нафардан зиёд дам олувчини қабул қилиш имкони яратилди. Аввалари сиҳатгоҳ бирваракайига 250 нафар кишини қабул қилиши мумкин бўлса, эндиликда 400 нафардан зиёд дам олувчини ўз бағрига олади. Санаторийнинг йиллик қабул қуввати эса 6,5 минг нафардан 10 минг нафарга кўтарилди. Шунингдек, сиҳатгоҳ нафас йўли аъзоларининг носпецифик касалликларини даволашда самарали таъсир кўрсатувчи замонавий тиббий-асбоб ускуналар билан таъминланди.

— «Оқ тош» санаторийсига набирам билан келдик. Бу масканда она ва болаларнинг биргаликда дам олиб, даволаниши учун барча шароит ва қулайликлар мавжуд, — деди Тошкент шаҳрилик дам олувчи Карима Абдураҳмонова. — Набирам Искандар 4 ёшда. Бу ерда нафас йўллари касаллигидан фориғ бўлмоқда. 5 кун ичидаёқ бу ердаги табиий иқлимий омиллар — мусаффо тоғ ҳавоси, дарёлардан келадиган табиий гидроионланиш набирамнинг саломатлигини тиклашда жуда яхши самара берди. Амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида яратилган шароитлар, замонавий тиббий асбоб-ускуналар табиий шифо омиллари самарадорлигини ҳам оширгани яққол сезилди. Айниқса, болажонлар учун барпо этилган ўйингоҳ ва майдончаларда қизиқарли ўйин ва машғулотлар олиб борилиши кичкинтойларга завқ бермоқда. Бу улар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади. Давлатимиз томонидан меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари учун кўрсатилаётган бу каби юксак эътибор ва ғамхўрликлардан беҳад миннатдормиз.

— Астма касаллиги билан оғриганим учун мазкур сиҳатгоҳда даволаниш учун келдим, — дейди Феруза Цицарина. — Яратилган шарт-шароитлар кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини бир неча баробарга оширганлигининг гувоҳи бўлдик. Саноқли кунлар ичида саломатлигим ижобий томонга ўзгариб, ўзимни тетик ва соғлом ҳис этмоқдаман. Ошхонада тайёрланаётган мазали ва дармондориларга бой таомлар, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида амалга оширилаётган шифо муолажалари, туз ғори соғлиғимизни мустаҳкамлашда катта наф бермоқда. Шунингдек, даво муолажалари билан бир қаторда маданият саройида ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирлар, спорт майдончалари, экскурсия ва саёҳатлар ҳордиқнинг янада мазмунли бўлишини таъминламоқда.

Ҳақиқатдан ҳам, «Оқ тош»да амалга оширилган ишлар обод юртимизда инсон омилига бўлган эътиборнинг йил сайин ортиб бораётганидан далолат беради. Инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган бу каби хайрли ва эзгу ишлар халқимиз турмуши ва фаровонлигида ҳам намоён бўлмоқда.

Маълумот ўрнида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимидаги «Оқ тош» санаторийси Тошкент шаҳридан 65 км. масофа узоқликда жойлашган бўлиб, денгиз сатҳидан 1140 м. баландликда жойлашган тоғ-иқлимий курорти ҳисобланади. Санаторий ҳудуди кенг баргли ўрмонзорлар билан ўралган бўлиб, ундан Оқтош ва Аюбсой тоғ дарёлари оқиб ўтади. Иқлими мўътадил-континентал, қиши юмшоқ, ёзи иссиқ. Ҳар йили санаторийда 10 минг нафардан ортиқ меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш имконияти мавжуд.

Даволаш комплекси — физиотерапия, лазеротерапия, ингаляция, тузли ғор, суньий ванналар (игнабаргли, тузли), сауна, парафин ва озокерит билан даволаш, уқалаш ва сув ости уқалаши, Шарко души, марваридли ванналар, даволаш бадантарбияси, терренкур, парҳезли овқатланишни ўз ичига олади.

Ташхис бўлимида дам олувчилар учун ЭКГ, Спирометрия, УТТ, клиник ва биохимик лаборатория, тор мутахассислар кўриги ташкил этилган. Ётоқ хоналари шинам қилиб безатилган, барча қулайликларга эга, бир-икки ўринли хоналардан иборат. Маданият саройи, кутубхона, спорт майдончалари дам олувчилар хизматида бўлиб, улар учун даво муолажалари билан бир қаторда экскурсия ва саёҳатлар, маданий-маърифий тадбирлар, суҳбат ва учрашувлар ташкил этилади.

Дам олувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида санаторий ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатаётир.

Бугунги кунда касаба уюшмалари тизимида фаолият кўрсатаётган 15 та санаторийда ҳар йили 100 минг нафардан зиёд меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилмоқда.

Шарқона дид ва замонавий имкониятлар уйғунлиги

Бунда, айниқса, фертил ёшидаги хотин-қизларнинг, шу жумладан, қишлоқ жойларида яшовчи аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, санаторийларда она ва болани биргаликда соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур йўналишлардаги ишлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш, аҳоли турмуш даражасининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги натижасида меҳнаткашларнинг дам олишга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан яна бир дам олиш ҳудуди — «Оқтош — Шаббода» дам олиш маскани қурилиб, фойдаланишга топширилди.

«Оқтош — Шаббода» дам олиш масканининг тантанали очилиш тадбирида ҳам ҳар бир иштирокчи қалбида бугунги дориломон кунларга шукроналик, истиқлол шарофати билан амалга оширилаётган бу каби бунёдкорлик ишларидан ғурурланиш ҳислари кечди.

Пойтахт вилоятининг энг баҳаво ва сўлим гўшаси бўлган Оқтош қишлоғида барпо этилган мазкур ҳордиқ масканида меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг йилнинг исталган фаслида мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилди. Дам олиш маскани замонавий технологиялар асосида қурилган ва алоҳида дид билан жиҳозланган 9 та коттеждан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири оилавий дам олиш учун дахлиз, меҳмонхона, 2 та ётоқхона, ошхона, барча қулайликларни ўз ичига олган коммуникация тармоғига эга. Ётоқхона ва меҳмонхоналар энг замонавий мебел ва маиший техника жиҳозлари, суньий йўлдошга уланган телекоммуникация тармоғи билан таъминланган.

60 ўринли мазкур дам олиш масканида мини футбол майдони, стол тенниси, шахмат, шашка хоналари, филтрланувчи зилол бассейн, сауна хизмати, шинам жиҳозланган овқатланиш комплекси мавжуд.

Дам олувчилар 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар. Дарахтлар сояси остида барпо этилиб, миллий услубда безатилган айвонлар, мафтункор фаввора ҳордиқнинг янада мазмунли бўлишига хизмат қилади.

«Оқтош — Шаббода» оромгоҳининг айнан Бўстонлиқ тумани ҳудудида барпо этилгани бежиз эмас. Чунки, бу маскан бой табиий ландшафтга, ўзига хос шифобахш хусусиятларга эга. Гўзал табиат, шифобахш иқлим, маҳаллий хусусиятларга бой, ишлаб чиқариш корхоналаридан холи бўлган мазкур ҳудуддаги ҳордиқ юртдошларимизнинг йил давомида руҳан ва жисмонан тетиклигини таъминлабгина қолмай, меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишда ўзига хос омил вазифасини ҳам ўтайди.

Дам олиш маскани кенгбаргли ўрмонларга бой тоғ қоялари билан ўралган бўлиб, Чирчиқ дарёси ва Чорвоқ сув омборларига яқинлиги, шунингдек, ён бағридан оқиб ўтувчи сой ва дарёларнинг мусаффолиги билан ҳам дам олувчиларга ўзига хос гидроионланишга эга бўлган шифо бахш этади. Дам олиш масканининг табиий иқлим шароити ўзининг носпецифик этиологияси орқали дам олувчиларда ҳордиқ билан бир қаторда, нафас йўли касалликлари табиий реабилитациясининг ижобий кечишини ҳам таъминлайди.

Тошкент шаҳрининг сўлим ва баҳаво ҳудудида жойлашган «Турон» санаторийсини юртдошларимиз яхши билишади. Мазкур сиҳатгоҳда дам олиб даволаниш учун барча зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратилган бўлиб, ҳар бир дам олувчининг ўз оиласи, меҳнат жамоаси қучоғига янги куч-қувват билан қайтиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

«Оқ тош» санаторийси ва «Оқтош — Шаббода» дам олиш маскани очилишига бағишланган тантаналарга ҳамоҳанг тарзда «Турон»да ҳам қурилиши ниҳоясига етказилган замонавий коттежларни фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди.

Нафақат юртимизда, хорижда ҳам машҳур

Касаба уюшмалари тизимидаги «Турон» санаторийси Республикамиз аҳолисининг энг севимли дам олиш масканларидан биридир. Бу сиҳатгоҳ кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги билан нафақат Ўзбекистонда, балки қўшни мамлакатларда ҳам маълуму машҳур. Бугунги кунда санаторийнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, унда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари малакасини ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида кўплаб хорижликлар ҳам ушбу масканда дам олиб, даволаниш учун ташриф буюрмоқда. Уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Охирги 3 йил давомида санаторийда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Энг муҳими, бу каби бунёдкорлик ишлари Республикамизнинг турли ҳудудларида жойлашган барча санаторийларда тизимли равишда олиб борилмоқда.

Бунёдкорлик ишларининг давоми сифатида «Турон»да барпо этилган 2 қаватли оилавий коттежлар сиҳатгоҳга янада кўркам қиёфа касб этиши билан бирга, меҳнаткашларнинг ушбу масканда дам олиб, даволанишга бўлган эҳтиёжлари ва талабларини қондиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Бу каби бунёдкорлик ишлари юртимизда халқимиз турмуши фаровонлигини янада ошириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир, — деди «Турон» санаторийси раҳбари Қаландар Султонов. — Кейинги йилларда сиҳатгоҳларда дам олувчиларга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатиш, соғломлаштириш сифатини ошириш, моддий-техник негизини мустаҳкамлаш борасида кўплаб тизимли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, жаҳон андозалари талаблари даражасида санаторийлар ходимларининг малакаси оширилиб, янги усулдаги даволаш муолажалари, SPA салонлар хизмати йўлга қўйилди. Мазкур йўналишлардаги ишлар меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтирибгина қолмай, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини ҳам таъминламоқда. Бугун касаба уюшма аъзосининг оила аъзоларининг санаторийларда имтиёзли асосларда соғломлаштирилиши учун яратилган имкониятлар, санаторийларга имтиёзли йўлланма олиш муддатининг 5 йилдан 3 йилга камайтирилгани каби ишлар фикримиз далилидир.

— Йил сайин халқимизнинг турмуш фаровонлиги ортиб, дам олишга бўлган эҳтиёжлари ошиб бормоқда. Бугун диёримизнинг энг чекка қишлоқларидаги меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг ҳам соғломлаштириш билан қамраб олиниши таъминланмоқда, — деди Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов. — Ушбу жараёнда касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган такомиллашув жараёнлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, жамоа шартномалари ва келишувларига ходимлар, шу жумладан, ёшлар, хотин-қизлар ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга оид банд ва бўлимларнинг киритилиши айни муддао бўлди.

Соғлом бола йилида мазкур йўналишлардаги ишлар касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан изчиллик билан давом эттирилади.

Маълумот ўрнида

«Турон» санаторийси Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, юрак-қон томир, асаб тизими, андрологик ва гинекологик касалликлари бўлган беморларни даволашга ва соғломлаштиришга ихтисослашган маскан ҳисобланади.

Миокард инфарктини бошдан кечирган беморлар учун саломатликни тиклаш, яъни реабилитация бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Иқлим билан даволаш, физиотерапия, даволаш бадан тарбияси, кам минераллашган хлорид-гидрокарбонат-сульфат-натрийли ва радонга эга бўлган маъданли ванналар, бассейн ва душлар кўринишидаги турли сув билан даволаш муолажалари, балчиқ билан даволаш омиллари туфайли унинг жозибадорлиги тобора ортиб бормоқда.

Ташхис қўйиш ва даволаш мақсадида компютерли ЭКГ ва УЗД аппаратлари, клиник ва биохимик лабораториялар хизмати, тор мутахассислардан кардиолог, невропатолог, уролог-андролог, гинеколог, дерматолог, окулист, психотерапевт ва стоматологлар фаолияти йўлга қўйилган.

Ётоқ бинолари барча қулайликларга эга, бир ва икки ўринли шинам хоналардан иборат.

Санаторий ошхонасида турли-туман лаззатли парҳез таомлар берилиши билан бирга, «дармондорилар столи» ҳам ташкил этилган.

Сиҳатгоҳда дам олиб, даволанувчиларнинг ҳордиқ онларини янада мазмунли ва мароқли ташкил этиш мақсадида маданият саройи, кутубхона, спорт майдончалари фаолияти йўлга қўйилган. Диққатга сазовор жойлар, тарихий масканларга саёҳатлар, концерт дастурлари уюштириб турилади.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.30
Topshirildi - 21.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 418 | 20930 nusxada bosildi | 1 3 4 5